


# **Тадбиркорлар билан очиқ мuloқот бўлиб ўтди**

Мамлакатимизда тадбиркорларга ва тадбиркорлик қилиш истагида бўлганларга катта имкониятлар яратилмоқда.

Ушбу амалий ишлар натижаси ўлароқ бугун Қорақалпоғистонда йигирма мингдан ошиқ тадбиркорлик субъектлари халқимизга муносиб хизмат кўрсатмоқда.



Ушбу яхши амалларнинг давоми сифатида Ҳукумат комиссияси жойларда тадбиркорлар билан очиқ мuloқотлар ташкиллаштириб уларнинг муаммо ва мурожатлари ҳал қилинмоқда.



Ҳукумат комиссиясининг навбатдаги учрашуви Нукус шаҳрида бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистондаги 100 дан ортиқ тадбиркорлар кредит олиш ва тўлов муддатини узайтириш, гаров суммасини қайта баҳолаш, лицензия ва рухсатнома олиш, бино ва иншоатлар қураш каби масалаларда мурожаат қилди. Аҳамиятлиси ушбу мурожаатларнинг аксарияти жойида ўз ечимини топди. Шунингдек муддат талаб қиласидиган масалалар назоратга олиниб, мутасаддиларга топшириқлар берилди.